МАМЛУКЛАР ДАВРИДА МИСРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ АНЪАНАЛАРИ ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ ТРАДИЦИЙ НА ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ ЕГИПТА ПРИ МАМЛЮКАХ

INFLUENCE OF CENTRAL ASIAN TRADITIONS ON THE SOCIO-POLITICAL LIFE OF EGYPT UNDER THE MAMLUKS

ARIPOVA ZUKHRA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
docent of the department Al-Azhar department of Arabic language and literature
doctor of Sciences History (DSc),
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
z.aripova@iiau.uz, aripovazuxra@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2022/4/3

Аннотация: *Маълумки, 1250-1517 йилларда Мисрда мамлук султонлари ҳукмронлик қилишган. 1250-1382 йилларда асли келиб чиқиши туркийлардан бўлган баҳрий мамлуклар, 1382-1517 йиллар эса кавказликлардан бўлган буржий (черкес) мамлуклари тахтни эгаллашган.*

Ушбу мақолада дастлаб Мисрга туркий мамлукларнинг кириб келиши, туркийлардан Тўлунийлар, Ихшидийлар, мамлуклар фаолияти ўрганилган ва таҳлил қилинган. Миср мамлук султонларининг обрў-эътибори салибчиларнинг қолган кучларини тор-мор қилиб, мўғуллар устидан қозонилган галабадан сўнг ошиб кетди. Хоразмшоҳ невараси Султон Қутузнинг бобоси ва тоғаси учун мўғуллардан қасос олиб, уларни тор-мор келтиргани, унинг азалий душмани Зоҳир Бейбарс Қутузни ўлдиргач тахтга ўтиргани, унинг насл-насаби билан боғлиқ маълумотлар таҳлили берилган.

Ўрганилаётган даврнинг яна ўзига хослиги ва аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишда туркий унсурларнинг кириб келиши бўлган. Биринчи мамлук султонлари (баҳрийлар) эски туркий тилининг қипчоқ– ўғуз шевасида гаплашишган, чунки уларнинг кўпчилиги араб тилини яхши билишмаган. Девонхоналарда ҳам қипчоқ тили муомалада бўлган. Эски туркий тиллар бўйича мутахассислар шу даврда Мисрда қипчоқ тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган ҳамда қипчоқ тилининг грамматикаси ва лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилганлигини таъкидлайди. Бу тилда китоблар ёзилиб, ҳукмрон мамлук амир ва султонларга ҳадя қилинарди. Бу даврда мамлук султонлари олиму уламоларга эҳтиром кўрсатишгани боис, бу ерга кўпгина мамлакатлардан уламолар келиб, эркин ижод қилишларига имконият яратилди. Яна шуни эътироф этиш керакки, мамлуклар маҳаллий аҳолига уйланишлари мумкин бўлмаган. Бунда улар қон бузилмаслигига эътибор қаратишган. Шу сабабдан улар жорияларни ҳам Мовароуннаҳрдан олиб келиб, озод қилгач уларга уйланишган. Ҳозирги кунда ҳам Қоҳирада ал-Узбакия маҳалласи мавжуд бўлиб, бу маҳалла аҳолиси шошликлар, бухороликлар, фарғоналикларнинг ўша даврдаги вакиллари авлодлари яшамоқда ва ҳали ҳануз шу ном билан аталиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Миср, мамлуклар, қул, туркий, тўлунийлар, ихшидийлар, баҳрий мамлуклар, манбалар, анъаналар, султон.*

Аннотация: *Известно, что мамлюкские султаны правили Египтом в 1250-1517 гг. В 1250-1382 годах престол занимали мамлюки-бахриты, родом из турок, а в 1382-1517 годах - бурджиты (черкесы) - мамлюки с Кавказа.*

Предлагаемая статья посвящена изучению и анализу периода прихода к власти тюркских мамлюков в Египте, исследованию периода правления Тулунидов, Ихшидидов, престиж которых резко возрос после их победы над монголами и сокрушения оставшихся войск крестоносцев. В работе предоставлена информация о том, что внук хорезмшаха, Султан Кутуз, отомстил монголам за деда и дядю, разгромил их, и впоследствии на престол взошел его давний враг Захир Бейбарс, после убийства последнего. Предоставлены сведения, связанные с его родословной. Еще одной особенностью и важным аспектом изучаемого периода было интенсивное проникновение тюркских элементов в арабскую культуру.

Первые мамлюкские султаны (бахриты) говорили на кыпчакско-огузском диалекте древнетюркского языка, так как большинство из них плохо владело арабским языком. Кыпчакский язык использовался и в канцеляриях. Специалисты по древнетюркским языкам отмечают, что в этот период особое внимание уделялось изучению кыпчакского языка в Египте, были написаны работы, посвященные изучению грамматики и лексического богатства кыпчакского языка. На этом языке писались книги и дарились правящим мамлюкским эмирам и султанам. В этот период мамлюкские султаны отдавали дань уважения ученым и философам, поэтому ученые из многих стран приезжали сюда, где для них были созданы условия для свободного творчества. Мамлюки не могли вступать в брак с местными жителями. По этой причине они привозили наложниц из Мавераннахра и женились на них после их освобождения. До сих пор в Каире существует квартал аль-Узбакия, жители которого являются потомками представителей народов Шаша, Бухары и Ферганы.

Ключевые слова: *Египет, мамлюки, рабы, турки, тулуниды, ихшиды, бахритские мамлюки, источники, традиция, султаны.*

Abstract: *It is known that the Mamluk sultans ruled Egypt in 1250-1517. Between 1250-and 1382 the throne was occupied by the Mamluks-Bahri, originally from the Turks, and from 1382 to 1517 – by the Burjis (Circassians) Mamluks from the Caucasus. This article studies and analyzes the entry of the Turkic Mamluks into Egypt, the Tulunids, the Ikhshids, the Mamluks from the Turks. The prestige of the Mamluk sultans of Egypt rose sharply after crushing the remaining forces of the crusaders and the victory over the Mongols. The grandson of the Khorezmshah, Sultan Kutuz, avenged the Mongols for his grandfather and uncle, an analysis of the information related to his longtime enemy Zahir Beybars' genealogy, who ascended the throne, killing Kutuz, is given.*

Another feature and important aspect of the period under study was the intensive penetration of Turkic elements into Arab culture. The first Mamluk sultans (Bakhri) spoke the Kypchak-Oguz dialect of the ancient Turkic language, since most of them had a poor command of Arabic. The Kypchak language was also used in the sultan's adminstration. Specialists in the ancient Turkic languages note that during this period, special attention was paid to the study of the Kypchak language in Egypt, works were written on the study of the grammar and lexical richness of the Kypchak language. Books were written in this language and given to the ruling Mamluk emirs and sultans. During this period, the Mamluk sultans paid tribute to scientists, so scientists from many countries came here and created the opportunity to work freely. It should also be recognized that the Mamluks could not marry the locals. At the same time, attention was paid to the fact that the blood did not deteriorate. For this reason, they also brought concubines from Movarounnahr and married them after their release. Until now, there is a mahalla (neighbourhood) of al-Uzbakiya in Cairo, the inhabitants of whose are descendants of representatives of the peoples of Shash, Bukhara and Ferghana of that time, and there is historical data related to the fact that the place is still called by this name.

Keywords*: Egypt, Mamluks, slaves, Turks, Toluni, Ikhshids, Bahri Mamluks, sources, tradition, sultans.*

КИРИШ

Маълумки, Жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихи орасида қадимда ҳам узвий боғлиқликлар мавжуд бўлган. Келиб чиқиши бухоролик Аҳмад ибн Тўлун оиласи Мисрда мустақил давлат барпо этиб, Тўлунийлар сулоласига, улардан сўнг Мисрда асли фарғоналик Муҳаммад ибн Тағж Ихшид эса Ихшидийлар давлатига асос солдилар. Кейинчалик бу ҳолат давом этиб, Мисрга турли йўллар билан келиб қолган, туркийлардан бўлган мамлуклар давлати барпо этилди. Мутахассислар фикрича, XIII-XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуклар султонлиги даврида тил, тарих ва анъаналар жиҳатидан Марказий Осиё (Toxtiev Mr, S., 2020:82-90) ва Мисрнинг жуда кўп ўхшашликлари мавжуд ва уларни ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мисрда 1382-1517 йилларда ҳукмронлик қилган буржий (черкес) мамлуклар давридаги ижтимоий-сиёсий ҳолат борасида А.Ҳасанов (Xasanov, 1975), С.Х.Хотко (Xotko , 1993), мамлуклар даври араб адабиёти бўйича А. Е. Крымский (1871-1942) (Krimskiy, 1903), 5) Е.Э.Бертельс (Bertels, 1965), Х.А.Гибб Арабская литература. Классический период. – М: Восточная литература, 1960. – С. 99 Р.Ходжаева монография эълон қилган (Xodjaeva, 2013), У.Уватов Амир Темур ва мамлук султонлари орасидаги муносабатлар бўйича изланишлар олиб борган (Uvatov , 1974). Р.Баҳодиров монографиясида Муҳаммад Али ва унинг фаолияти, уни мамлукларга нисбатан олиб борган сиёсати акс этган (Baxodirov, 2013). З.Арипова баҳрий мамлукларнинг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг фаолиятлари, мамлуклар давридаги ислом динининг мавқеи, унинг муҳитида юзага келган тасаввуф, уларнинг тарихи борасида изланишлар олиб борган. Шунга қарамай бу даврдаги Мисрнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига Мовароуннаҳр унсурлари (элемантлари) таъсири етарли даражада очиб берилмаган.

УСУЛЛАР

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

МУҲОКАМА

Агар "мамлук" тизими ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу деярли 1000 йиллик даврни ўз ичига олган, худди ўрта аср Япония тарихидаги "самурайлар"га ўхшаш Яқин Шарқ учун хос бўлган ҳодиса деб, қиёслаш мумкин. Худди ўрта аср самурайларининг бугунги Японияда таъсири сақланиб қолгани каби Мисрда ҳам мамлуклар таъсирини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам Мисрда мавжуд Демирдаш, Қалантар, Шаркасий фамилияли кўпгина мисрликлар ўзларининг ўтмишдошлари мамлук бўлганини билмасликлари мумкин.

Бу даврда туркий тилларга қизиқиш катта бўлди, уларни ўрганишга интилиш тобора кучайиб

борди. Бунинг натижасида Мамлук-Қипчоқ деб аталмиш ёзма ёдгорликлар – араб-қипчоқ луғатлари, грамматикага оид асарлари яратилди. Айниқса, кундалик ҳаётда алоқа қилиш қуроли бўлган қипчоқ тилининг аҳамияти ошди, чунки, қипчоқ тили жонли муомалада саройда, девонхоналарда, мамлук ҳарбийлари орасида кўп ишлатилар эди. Умуман олганда мамлуклар даврида мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ва маданий ҳаётида туркий омиллар кўпайди. Шунингдек, ҳозирги кунда халқ шева тилида ҳам туркий сўзларни учратиш мумкин. Масалан, араб тилида кўприк сўзи "жиср" деб аталса-да, оғзаки нутқда эса "гўпри" сўзи қўлланилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

МУНОЗАРА

XIII-XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуклар султонлиги даврида тил, тарих ва анъаналарда Мовароуннаҳр ва Мисрнинг жуда кўп ўхшаш томонлари бор. Дастлаб Аббосий халифа Маъмун (813-833), сўнг халифа Муътасим (833-842) ўз салтанатида бир ҳарбий фирқада туркманлар ва хоразмликлар хизматидан фойдаланишни афзал кўришган. Аббосий халифаликлар силсиласида мамлукларнинг муттасил ҳарбий хизмати шундан бошланган. (Xasanov 1975:3; Al-Ibodiy Ahmad Muxtor, 1992:6-7) Бу даврларда халифаликда вазирлик лавозими форслар қўлида бўлиб, агар армияда ҳам форслар устунликка эришса, ҳокимият тўлиғича уларни томонига ўтиш хавфи юзага келгани сабабли, форслардан тузилган дастлабки шундай ҳарбий бўлинма халифа ишончини оқламаган. Шу боисдан, халифалар ҳарбий хизматида туркийлардан фойдаланишни маъқул кўрганлар. Шу вақтдан бошлаб Мисрга туркийлар жалб қилина бошланган.

Марказий Осиё ва Миср тарихий-маданий алоқаларида яна қизиқарли ва ёрқин томонлари борки, бунда турли даврларда Миср ҳокимияти бошида Марказий Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари ҳукмдорлик қилган. Биринчи давр IX асрга тақалиб, унда Мисрда Тулунийлар сулоласи (868–905) ҳукмронлик қилган эди. Унинг отаси Тўлунни бухоролик ишчилар Нуҳ ибн Асад ас-Сомонийга тақдим қилганлар. Тўлун асли туркча сўз бўлиб, долун – тўлин ой маъносини билдиради (Nadir Özkuyumcu, 2002:18). Сулоланинг асосчиси Аҳмад ибн Тўлун аслида Бағдодда халифанинг туркий лашкарбошиси бўлган. Унинг отаси Аҳмад Бухоро атрофидаги кўчманчи туркий қабилалардан бўлиб, у IX аср бошида ёшлигида қул сифатида Бағдодга юборилган. Ўзининг шахсий фазилатлари туфайли Тўлун катта мансабларга эришди ва халифанинг яқинларидан бирига айланди. Ўғли Аҳмад ибн Тўлун Мисрга ҳоким қилиб тайинлангандан сўнг у ерда мустақил сиёсат олиб борди ва тез орада Мисрни кучли давлатга айлантирди. Тарихчилар Тулунийлар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврни Миср ўрта аср тарихида "Олтин давр" деб ҳисоблашади (Bosvort K.,1971:73). Маълумотлар тарихидан аён бўлдики, бухоролик бир қулнинг ўғли султонлик даражасига етиб борди ва бутун Миср давлатини бошқарди. У Миср пойтахти Фустат (эски Қоҳира) да жуда кўп бинолар қурдирган бўлиб, энг машҳури Аҳмад Тўлун масжиди ҳозирги кунга қадар бутун дунё саёҳатчиларини ўзига жалб қилиб келмоқда (Xodjaeva, 2013:11). Аҳмад Тўлун масжиди ўша замон анъаналарини ўзида сақлаб қолган, шу кунга қадар Қоҳирадаги энг катта ҳамда энг қадимги масжидлардан биридир.

Яна бир туркий саркарда, асли келиб чиқиши Фарғонадан бўлган, Ихшидийлар давлати (358/935 – 392/969)нинг асосчиси Муҳаммад ибн Тағж Ихшид ўз қўшинини туркийлар ва дайламийлардан тузган. Туркий қабилалардан чиққан йигитларни лашкарликка жалб этиш бутун мусулмон давлатлари учун хос эди. Улардан баъзилари ҳарбий истеъдоди ва содиқ хизмати, зеҳнли эканлиги учун баланд мансабларга, ҳатто амирликка эриша олиши мумкин эди (Shahob ad-din al-Umariy,1964:12).

Салоҳ ад-Дин Айюбий курд бўлса-да, лекин курд тилини оммага тарқата олмаган. Бу даврда туркийлар кўпайиши билан айюбийлар саройи ва қўшинлари орасида туркий тил тарқалиб кетди. Мамлуклар ҳукмронлиги ўрнатилгач эса, туркий тил оммалашиб, ҳаттоки, ўрта аср тарихчилари бу мамлакатга нисбатан "Туркий давлат" номини қўлладилар. Давлатни бу тарзда номланиш сабабларидан бири – Салжуқийлар маданияти ҳам кириб келганида эди.

Айнан мана шундай туркий қуллардан чиққан лашкарбоши амирлар XIII асрнинг иккинчи ярмида мамлуклар давлатини барпо этдилар.

Мамлуклар давлати Миср тарихида 1250 йилдан то 1517 йилгача давом этди ва ўз навбатида икки босқичга бўлинди. Дастлабки босқичда биринчи мамлуклар давлати 1250–1382 йиллари Марказий Осиё ва Дашти қипчоқдан чиққан ва "баҳрийлар" номини олган туркий мамлуклар султонлари ҳукмдорлик қилди. "Баҳрийлар"номи Нил дарёси ўртасида жойлашган ар-Равда оралиғидаги дастлабки

мамлук аскарлари манзилгоҳи билан боғлиқ ҳисобланади. Иккинчи босқичда эса асли келиб чиқиши кавказлик бўлган (асосан черкеслардан) ва “буржийлар” номини олган мамлуклардан чиққан султонлар давлатни бошқаришган. Кавказли мамлуклар номи “Буржийлар” – “ал-Бурж” қалъаси номидан тарқалган бўлиб, бу қалъада ҳам мамлуклар жойлашган. XV асрда эса у кавказли мамлукларнинг манзилгоҳига айланган. 1517 йилда заифлашган мамлуклар давлатини Усмоний турклар босиб олган ва шу боис туркий тил сақланиб қолишда давом этган.

Ўрганилаётган даврнинг яна бир ўзига хос ва аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишда туркий унсурларнинг кириб келиши эди. Биринчи мамлук султонлари (баҳрийлар) эски туркий тилнинг ўғуз ва қипчоқ шевасида гаплашар эди. Девонхоналарда ҳам туркий тили муомалада бўлди. Эски туркий тиллар бўйича мутахассислар шу даврда Мисрда туркий тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган ҳамда туркий тилининг грамматикаси ва хусусан, лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилганлигини таъкидлайдилар (Doniyorov, 1976:29-36; Nadjip, 1965). Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича, мамлуклар давлатида яшаган қипчоқлар тили ўзбек тилининг қипчоқ шевасига яқин бўлган (Doniyorov, 1976:35-36).

Адабий туркий тиллар бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар қипчоқ лаҳжаси ёки бошқа туркий тил аралашмалари натижасида яратилган бир қатор аралаш тилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб, ажратиб кўрсатишади:

– салжуқийлар, даврида, айниқса, айюбийлар ҳукмронлиги даврида қипчоқ ва ўғуз қабилалари вакиллари томонидан Мисрга келган ўғуз қабилалари тилининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи аралаш ўғуз ва қипчоқ туркий ёзма тили;

– XII асрда Сирдарёнинг қуйи оқимида шаклланган, Миср мамлуклари даврида янада ривожланиб тарқалган аралаш қипчоқ ва ўғуз туркий ёзма тили;

– Волганинг қуйи оқими ва Шимолий Хоразмда ўғуз-туркман қабилалари тилининг ўзига хос хусусиятларини ўзида жамлаган, Қорахонийлар ҳукмронлиги давридаги қипчоқ қабилалари тили ва уйғур адабий анъаналари таъсирида бўлган туркий тилларнинг ёзма тили (Nadjip, 1975:16-17). Умуман олганда, мамлуклар даврида мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ва маданий ҳаётида туркий омиллар кўпайди. Ўзбек тилшунос олими Х.Дониёров мамлук қипчоқларининг мавқеи баланд бўлганлиги тўғрисида шундай ёзади: “Баъзи тарихчиларнинг фикрига кўра, ўша даврда қипчоқларнинг мавқеи ва таъсири шунчалик катта бўлганки, баъзи араб тарихчилари ўша даврда Мисрда яшаган туркий халқларнинг ҳаммасини қипчоқлар деб билганлар ва уларга қўшиб санаганлар. Масалан, тарихчи Н.А.Аристовнинг “Заметки об этническом составе тюркских племён и народностей и сведения об их численности” (“Туркий қабила ва халқларнинг этник таркиби”) (Aristov, 1896:277-456) китобида берган маълумотига кўра араб тарихчиларидан бўлган Амир Рукниддин Бейбарс ва Ибн Халдунлар ўша даврда Мисрда яшаган қипчоқларни 11 та катта қабилага бўлиб кўрсатган. (Doniyorov, 1976:33; Xodjaeva, 2013:96)

Бу даврда туркий тилнинг 90 дан ортиқ лаҳжаларини мавжудлигига эътибор қиладиган бўлсак, шу тиллар аралашуви натижасида юзага келган тил, ҳозирги кундаги ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига яқин бўлган, дейиш мумкин. Олтин Ўрда бир нечта маданий марказларга эга эди, улардан бири Шимолий Хоразм-Сирдарёнинг қуйи оқими бўлиб, у ҳанузгача Ўрта Осиёнинг туркий (қорахоний-уйғур) ёзма маданиятининг қадимги анъаналарини сақлаб қолган. Яна бир хил марказ (аллақачон XII-XIII асрларда) Волганинг қуйи оқими - Сарой шаҳри бўлиб, XIV асрдан бошлаб Миср янги марказ сифатида пайдо бўлди. Шарқшунос олим Э.Нажипнинг фикрича “Замонавий Миср ҳудуди Олтин Ўрда қипчоқ- ўғуз ёзма тилини янада ривожлантирди” (Nadjip, 1975:16).

Бу даврда туркий тилларга қизиқиш катта бўлди, уларни ўрганишга интилиш тобора кучайиб борди. Бунинг натижасида мамлукларнинг сўзлашув тили мамлук-қипчоқ деб аталмиш ёзма ёдгорликлар – араб-туркий (қипчоқ) луғатлари, грамматикага оид асарлар яратилди. Айниқса, кундалик ҳаётда алоқа қилиш қуроли бўлган туркий тилининг аҳамияти ошди, чунки, туркий тил жонли муомалада саройда, девонхоналарда, мамлук ҳарбийлари орасида кўп ишлатилар эди (Muhammad Harb, 1994:322). Қипчоқ ва ўғуз туркий тилнинг лаҳжаси мамлук ҳарбий-сиёсий соҳа намояндаларининг оғзаки ва адабий тилига айланиб, унинг барча вакиллари, ҳаттоки туркий бўлмаганларга ҳам, араб болаларидан ажралиб туриши учун туркий исмлар қўйилган.

Олтин Ўрданинг давлат тили қипчоқ эди. Қипчоқ-ўғуз асосида XIV асрда аралаш қипчоқ-ўғуз ёзма тили шаклланди, кейинчалик у ниҳоят Олтин Ўрданинг шу жумладан Волга ва Урал туркийларининг ҳам адабий тили сифатида

шаклланди. (Gaynutdinova, 2004:8). Олтин Ўрданинг ёзма тили дастлаб қадимги уйғур тили ва мўғул девонхоналарининг уйғур амалдорлари олиб борган Қорахонийлар давлати таъсири остида шаклланган бўлиб, улар бу ёзувдан XIV асрнинг охиригача фойдаланишган. Бинобарин, Олтин Ўрданинг ғарбий қисмидаги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам уйғур элементлари мавжуд. Ўғуз қабилалари ғарб тилига ҳам катта таъсир кўрсатган, аммо, барча шу фактларга қарамай, ушбу ёзма ёдгорликларнинг тили кўпроқ даражада қипчоқ элементларини акс эттирган. Айнан ўша пайтдан бошлаб янги ёзма тилларнинг пайдо бўлиши бошланади, уларнинг ривожланиши XV-XVI асрларда қадимги туркий адабий тилнинг (эски ўзбек, эски татар, эски озарбайжон, эски туркман ёзма адабий тиллари) маҳаллий вариантларининг шаклланишига олиб келди (Gaynutdinova, 2004:9).

Қипчоқ этно-лингвистик компонентлари Мисрга турли вақтларда турли йўллар ва уларнинг дастлабки жойлашиш жойларининг турли минтақалари орқали кириб келган. Бу тилнинг биринчи кириб келишини мамлукларнинг Мисрда пайдо бўла бошлагани билан боғлаш мумкин. Мўғул босқинчиларидан қочиб, қипчоқ аҳолисининг катта қисми Дашти Қипчоқдан Мисрга ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларига қочиб кетишди. 1250 йилда Баҳрий мамлуклари ҳокимият тепасига келишгач, қипчоқ тилида сўзлашувчи аҳолининг катта гуруҳи бепоён ҳудудлардан Мисрга кўчиб ўтдилар, улар таркибида ҳукмрон Мамлуклар сулоласи вакилларининг қариндошлари ҳам бор эди (Zayonchkovskiy, 1961:37-38; Kurishjanov, 1970:17).

Венгрия тадқиқотчиси Т.Халаши-Кун Мамлук-Қипчоқ ёзма ёдгорликлари тилида туркий тилларнинг камида учта шеваси бўлганини – биринчиси қипчоқ, иккинчиси – ўғуз, учинчиси эса, қипчоқ-ўғиз аралаш ҳолда бўлганлигини кўрсатиб ўтган (Halasi-Kun, 1940:80-83)

Мамлук-қипчоқ ёзма ёдгорликлари тили, мутахассисларнинг фикрига кўра, бир хил эмас эди. Мисрда бу даврда кўпгина қипчоқлар билан бир қаторда бошқа туркий қабилалар ҳам яшаган, хусусан – ўғузлар, туркманлар, хоразмликлар ва бошқалар. Э.Наджип бизни қизиқтирган даврнинг ўзига хос ёдгорликларини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Олтин Ўрда ва Миср ҳудудида яратилган ёдгорликларни қиёсий ўрганиш, асосан лексик хусусиятларни аниқлаш, лексемаларни диалект хусусиятларига кўра танлаш ва уларни кейинчалик статистик қайта ишлашга асосланган бўлиб, Е.Н.Наджип қуйидаги хулосаларга келди: XIV асрга келиб Олтин Ўрда ва Миср учун умумий бўлган биринчи гуруҳда қипчоқ-ўғуз адабий тили шаклланди, иккинчи гуруҳда ушбу сифат жиҳатидан янги адабий тил билан параллел равишда анча архаик ёзма тил ўз фаолиятини давом эттирмоқда, учинчи гуруҳ эса, Е.Н.Нажипнинг фикрича Қуйи Волга-Хоразмнинг ўғуз-қипчоқ адабий тили кўрсатиб ўтади ва бу тил сирли ривоят асарлари тили сифатида XX аср бошларига қадар мавжуд бўлиб келмоқда. Шунингдек, у ҳамма тиллар ичида мамлуклар тили ҳозирги ўзбек тилига яқин бўлганини таъкидлаган (Nadjip, 1989:81-82).

Мамлуклар даврида озгина диалектал кўринишларни инобатга олмаганда, туркий тиллар амалда бир хил бўлган, бу Маҳмуд Кошғарий луғати маълумотлари билан тасдиқланган. Ушбу тил бирлиги XX асрга қадар сақланиб қолди. Мамлуклар туркий тилда мулоқот қилишгани сабабли маҳаллий аҳоли орасидан бўлган араб амалдорлари ҳам туркий тилни ўрганишга мажбур бўлишган. Шунингдек кўпгина мамлуклар араб тили таржимонларига эҳтиёж сезганлар. Бундай мураккаб лингвистик алоқалар боис, кўплаб араб тилидаги асарлар туркий тилга ва аксинча, туркийдан арабчага таржима қилинган. Шу тарзда араб-қипчоқ-ўғуз грамматикасига оид асарлар ҳамда луғатлар яратилган.

Яна шуни эътироф этиш керакки, баъзи мамлук султонлари араб тилини яхши билмаганликлари боис, туркий тилда мулоқот қилганлар. Султон Зоҳир Бейбарснинг шахсий котиби Ибн Абу аз-Заҳр 1264 йил 4 сентябрда Миср элчилари Олтин Ўрда хони Берк томонидан қабул қилинганида, Бейбарс томонидан ёзилган мактуб туркий тилда ёзилганини кўргач, Олтин Ўрда хони ҳамда сарой айъёнлари бу ҳолатдан мамнун бўлганлари ҳақида ёзган (Tizengauzen, 1884:308). Султон Қаловун ҳам араб тилини аниқ-тиниқ билмасди, буржий мамлук султони Барқуқ Ҳалабга келганида, унга туркий китобларни ўқиб бериш учун туркий олимни талаб қилган (Muhammad Harb, 1994:322).

Султон Қайтбой ҳам уч тилда мулоқот қилган, қипчоқ-ўғуз лаҳжасида туркий шеърлар ҳам битган. Ҳам султон, ҳам туркий тил адиби намояндаси Султон Қонсуҳ ал-Ғурий адабиёт, маданият, диний томондан билимли бўлиб, унинг “Кавкабу ад-дарий фи ажвибатил-ғурий” (“ал-Ғурий жавобларидаги ад-Дарий сайёраси”) номли китоби ва “Қасаъид ар-раббанийя вал- мувашшаҳат ас-султанийя ал-ғурийя” (Илоҳий қасидалар ва Ғурийнинг шоҳ дурдона шеърлари) номли шеърий рисоласи

бўлган(Muhammad Harb, 1994:322).. Султон Қонсуҳ ал-Ғурий нафақат султон, балки шоир ҳам бўлган.

Аҳолининг салмоқли қисмини, айниқса, Мисрнинг йирик шаҳарларида туркий тилли қуллар ва туркий тилли озод кишилар ташкил қилган. Бу омилларнинг барчаси мавжуд қоришма туркий тиллар луғатини тузишга ва грамматикасини ўрганишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Натижада, Мисрда лексикографика ва грамматика бўйича бир нечта у ерда яшовчи туркийларнинг тилига асосланган араб филологларининг асарлари пайдо бўлди (Xodjaeva, 2013:104-105).

Тадқиқотчи Муҳаммад Ҳарб "Биз шуни кўрсатиб ўтишимиз лозимки, туркий тил Мисрда мамлуклар даврида муҳим тил эди. Бу тилда китоблар ёзилиб, ҳукмрон мамлук амирларига ва султонларга тортиқ қилинар эди. Аммо туркий тилининг бу даврда тамаддун назмида ва ҳарбий исломий танзимотлар ичида тарқалиши Хоразмдан бошланиб Озарбайжонга, Андалусияга, Сурия ва Мисрга чўзилганди " – деб, таъкидлади (Muhammad Harb, 1994:322).

Шу даврда Мисрда яшовчи туркийзабон ёзувчилар, шоирлар, дин арбоблари, олимларнинг мавқеи анча баланд бўлиб, улар бемалол икки тилда – ҳам араб тилида, ҳам туркий тилларда ижод қилиб, мадрасаларда дарс берар эдилар (Xodjaeva, 2013:97).

Маълумки, мисрликлар от гўшти емайдилар, қимиз ичишмайди, лекин, мамлуклар Мисрда бўлишларига қарамай от гўшти ҳам ейишган, қимиз ҳам ичишган. Қолаверса, бу уларнинг султон томонидан берилган ўзига хос имтиёзларидан ҳисобланган.

Мамлуклар маҳаллий аҳолига уйланиши мумкин бўлмаган. Мовароуннаҳр халқлари орасидан қул сотувчилар жорияларни келтиришгач, султон никоҳга рухсат берган ва ушбу жорияларга амир ва мамлуклар уйланган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бironта ҳам никоҳ султоннинг розилигисиз бўлмасди. Улар ген бузилмаслиги, тоза мамлук қонидан фарзандлар туғилишига эътибор қилишган. Ушбу кўрсатмалар баъзида мамлуклар томонидан бузилган. Мамлуклар даври тарихчилари бу ва шунга ўхшаш тартиб бузилиши (Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z., (2020:313-317) ҳолатларини, мамлуклар орасида тарбиянинг сустлашгани билан изоҳлашади. Лекин шунга қарамай, аслида мамлуклар наслининг кўпчилиги тоза мамлук қонидан бўлган.

Маълумки, ҳозирги кунда Қоҳира марказида ўзбеклар билан боғлиқ қадимий маҳалла мавжуд. Ушбу маҳалла аҳолиси орасида Шош (Тошкентнинг эски номи) (Mukhamedov Nematullo, 2020:137-143), Бухоро, Фарғона ва Тароз (собиқ Жамбул номи) оилалари истиқомат қилади ва улар ҳали ҳануз ота-боболари келган жой номларини муқаддас сақлаб келишади. Миср тарихчилари ёзганидек, ушбу маҳаллани яратиш тарихи XIV асрнинг охирларидан бошланган. Мамлуклар ҳукмронлиги даврида Султон Қайтбой отабек (олий бош қўмондон) Сайфиддин Ўзбекни жангларда эришган катта ғалабалари учун мукофотлашга қарор қилиб, унга 60 (арк) сотих ерни совға қилган. Тезда у ерда сув ҳавзаси қурилиб, атрофида боғ барпо этилган. Ушбу боғ "ал-Ҳадиқа ал-Узбакия" (Ўзбеклар боғи) номи билан машҳур бўлиб, бу миллат номига эмас, балки шахс номига қаратилган. 1495 йилга келиб, ушбу боғ Қоҳира марказидаги катта маҳаллага айланди. Ал-Узбакия Маҳалласи Қоҳирада кўзга кўринган жойни эгаллайди ва унинг аксарияти Ҳадив Исмоил даврида қурилган. Ушбу маҳалла Ал-Атаба майдони, "ал-Узбакия" боғи ва "ал-Узбакия" театрини қамраб олади. Мисрда Усмонлилар ҳукмронлиги даврида маҳалла ривожлана бошлади. Бу маҳаллада Ўрта Осиёдан келган туркий халқларнинг вакиллари яшаган ва улар ўзларини "ўзбеклар" номи билан таништиришган. Вақт ўтиши билан ўзбеклар маҳаллий аҳоли билан шу қадар аралашиб кетдиларки, натижада улар алоҳида этник гуруҳ хусусиятларини йўқотдилар. Аммо "ўзбеклар" номи шу кунгача сақланиб қолиб, ҳозирги кунгача ушбу минтақа мавжуд.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотчиларнинг изланишларига кўра, ўрта асрда мамлуклар туркий тилда мулоқот қилишган. Ушбу тилда кўпгина асарлар яратилган. Бу тил бир қатор туркий тиллар қаторида ҳозирги ўзбек тилига бирмунча яқин бўлган.

Мамлук султонлари ҳукмронлик қилган давр (1250-1517) Мисрда яшаган қипчоқлар 11 та катта қабилага бўлинган.

Мамлуклар даврида Мисрда истиқомат қилган туркийзабон ёзувчилар, шоирлар, дин арбоблари, олимларнинг мавқеи юқори бўлиб, улар бемалол икки тилда – ҳам араб тилида, ҳам туркий тилларда ижод қилганлар.

Мисрда ҳозирги кунгача сақланиб келаётган "ал-Ҳадиқа ал-Узбакия" боғи машҳур жойлардан бўлиб, бу миллат номига эмас, балки шахс номига қаратилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. أحمد مختار العبادي. قيام دولة المماليك الأولي في مصر والشام. – الإسكندرية: المؤسسة الشباب الجامع.
2. Aripova, Z. Turkic dynasties in Egypt. The Light of Islam, 2022(1), 22-32. (in Uzbek)
3. Zukhra Aripova. Influence Of Central Asian Traditions On Egyptian Life In XIII-XV Centuries// Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 6, July 2021. P. 6910 – 6915
4. Баходиров Р. Миср Муҳаммад Али ва унинг сулоласи даврида. –Т.:Фан, 2013
5. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.
6. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. /Пер. с англ. П.А.Грязневича. – М.:Наука, 1971. – 324 с.
7. Бунятов З.М. Избранные сочинения в трех томах. – Баку: ЭЛМ, 1999
8. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. –Т. 1976.
9. Гайнутдинова Г. Р. Историко-лингвистический анализ тюрко-татарского письменного памятника XIV века Джамал ад-Дина ат-Турки «Китабу булгат ал-муштак фи лугат ат-турк ва-л-кифчак» /Автореф. дис. … канд филол. наук, – Казань, 2004.
10. Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). TAX AND ZAKAT COLLECTION SYSTEM OF THE BUKHARA EMIRATE DURING THE 19TH CENTURY. Theoretical & Applied Science, (10), 313-317. https://www.researchgate.net/profile/Avazbek-Ganiyev/publication/346506968_TAX_AND_ZAKAT_COLLECTION_SYSTEM_OF_THE_BUKHARA_EMIRATE_DURING_THE_19TH_CENTURY/links/5fc9bc31a6fdcc697bdb887a/TAX-AND-ZAKAT-COLLECTION-SYSTEM-OF-THE-BUKHARA-EMIRATE-DURING-THE-19TH-CENTURY.pdf
11. Гибб Х.А. Арабская литература. Классический период. – М: Восточная литература, 1960. – С. 99.
12. Halasi-Kun T. Die mameluk-kiptschakischen Sprachstudien und die Handschriften in Stambul // Kőrösi Csoma Archivum. – Bedapest, 1940. – Bd. 3. – Th. 1.
13. Ismailova Y. Bar Ebrey and the work of Ibn al-Athir “Al-Kamil fi-t-tarikh”. International Conference on “Humanities, Education and Sciences”, USA, February 25th, 2022/ P. 14-16. https://fayllar.org/los-angeles-california-usa.html
14. Крымский А.Е. История арабов. Их халифат, их дальнейшие судьбы и краткий очерк арабской литературы. – М., 1903.
15. Курышжанов А.К. Исследование по лексике «Тюркско-арабского словаря». – Алма-Ата: Наука, 1970. – С. 17
16. محمد حرب. العثمانيون في التاريخ و الحضارة . –القاهرة:.المركز المصري للدراسات العثمانية و بحوث العالم التركي، 1994
17. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
18. Наджип Э.Н. Кыпчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века / Автореф. дис. … канд филол. наук. – М., 1965.
19. Наджип Э.Н. Тюркоязычный памятник XIV века «Гулистан» Сейфа Сараи и его язык. – АлмаАта, 1975.
20. Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков. М.:Восточная литература, 1989.
21. Nadir Özkuyumcu. Ixshidiylari// Türkler. -Ankara: Yenġ türkġye yayinlari, 2002. – s.39.
22. أحمد شلبي. التاريخ الإسلامي. القاهرة: مكتبة النهضة المصرية 1990
23. Shalabiy, A. (1990). At-tarix al-islomiy. al-Qohira: maktaba nahda al-misriyya(in arabic).
24. Тизенгаузен В. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из сочинений арабских.Т. 1.– Санктпетербург, 1884.
25. Уватов У. Ибн Арабшоҳ ва унинг Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари асари (Ажоиб ул-мадур фи тарихи Темур)”. Тарих фан. ном. …дисс. – Т.: 1974.
26. Toxtiev Mr, S. (2020). Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries. The Light of Islam, 2020(2), 82-90. https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1171&context=iiau
27. Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта при черкесских султанах(1382-1517). Автореферат дисс. на соиск. канд. ист. наук. – М.,1975.
28. Ходжаева Р.Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). –Тошкент: “Ҳилол Медия”, 2013.
29. Хотко С.Х. Черкесские мамлюки. – Майкоп: Адыгея, 1993.
30. Зайончковский А. К изучению средневековых памятников тюркской письменности (XI-XVI вв.) // Вопросы языкознания. – М., 1967. — № 6.
31. Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племён и народностей и сведения об их численности / Н. А. Аристов // Живая старина. –1896. – Год шестой, вып. III-IV.

REFERENCES

1. Al-Ibodiy Ahmad Muxtor. (1994). *Qiyom davla al-mamalik al-uvla fi Misr va ash-Sham.* Al-Iskandariya: al-muassasa ash-Shabab al-jome’i.
2. Aripova, Z. (2022(1)). TURKIC DYNASTIES IN EGYPT. . *The Light of Islam*, 22-32.
3. Aripova., Z. (Volume 6, July 2021.). Influence Of Central Asian Traditions On Egyptian Life In XIII-XV Centuries. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI*, P. 6910 – 6915.
4. Baxodirov, R. (2013). *Misr Muhammad Ali va uning sulolasi davrida.* Toshkent: Fan.

5. Bertels, Y. E. (1965). *Sufizm i sufiyskaya literatura.* . Moskva: Nauka.
6. Bosvort, K. E. (1971). *Musul'manskie dinastii. Spravochnik po xronologii i genealogii. Per. s angl. P.A.Gryaznevicha* . Moskva: Nauka.
7. Bunyatov , Z. M. (1999). *Gosudarstvo Xorezmshaxov-Angushteginov T.3.: , 1999 –S.228.* (T. 3). Baku: Elm.
8. Doniyorov , X. (1976). *Eski o'zbek adabiy tili va qipchoq dialektlar.* Tashkent.
9. Gaynutdinova , G. R. (2004). *Istoriko-lingvisticheskiy analiz tyurko-tatarskogo pismennogo pamyatnika XIV veka Djamal ad-Dina at-Turki «Kitabu bulgat al-mushtak fi lugat at-turk va-l-kifchak» / Avtoref. dis. ... kand filol. nauk.* Kazan.
10. Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). TAX AND ZAKAT COLLECTION SYSTEM OF THE BUKHARA EMIRATE DURING THE 19TH CENTURY. Theoretical & Applied Science, (10), 313-317. HYPERLINK "https://www.researchgate.net/profile/Avazbek-Ganiyev/publication/346506968_TAX_AND_ZAKAT_COLLECTION_SYSTEM_OF_THE_BUKHARA_EMIRATE_DURING_THE_19TH_CENTURY/links/5fc9bc31a6fdcc697bdb887a/TAX-AND-ZAKAT-COLLECTION-SYSTEM-OF-THE-BUKHARA-EMIRATE-DURING-THE-19TH-CENTURY.pdf" https://www.researchgate.net/profile/Avazbek-Ganiyev/publication/346506968_TAX_AND_ZAKAT_COLLECTION_SYSTEM_OF_THE_BUKHARA_EMIRATE_DURING_THE_19TH_CENTURY/links/5fc9bc31a6fdcc697bdb887a/TAX-AND-ZAKAT-COLLECTION-SYSTEM-OF-THE-BUKHARA-EMIRATE-DURING-THE-19TH-CENTURY.pdf
11. Gibb, X. A. (1960). *Arabskaya literatura. Klassicheskiy period.* Moskva: Vostochnaya literatura.
12. Halasi-Kun T. (1940). Die mameluk-kiptschakischen Sprachstudien und die Handschriften in Stambul . *Kőrösi Csoma Archivum*(Bd. 3. Th. 1), 80-83.
13. Ismailova Y. Bar Ebrey and the work of Ibn al-Athir "Al-Kamil fi-t-tarikh". International Conference on "Humanities, Education and Sciences", USA, February 25th, 2022/ P. 14-16. https://fayllar.org/los-angeles-california-usa.html
14. Krimskiy, A. Y. (1903). *Istoriya arabov. I xalifat, ix dalneyshiye sudbi i kratkiy ocherk arabskoy literaturi.* Moskva.
15. Kurishjanov , A. K. (1970). *Issledovanie po leksike «Tyurksko-arabskogo slovarya».* Alma-Ata: Nauka.
16. Muhammad Harb. (1994). *Al-Usmaniyuna fi-t-Tarix va-l hadora.* Al-Qohira: al-Markaz al-misriy li-d-dirasat al-usmaniya va buhus al-olam at-turkiy.
17. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: HYPERLINK "https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20" https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20 16.
18. Nadjip , E. N. (1965). *Kipchaksko-oguzskiy literaturniy yazik Mamlyukskogo Yegipta.* Moskva.
19. Nadjip , E. N. (1989). *Issledovaniya po istorii tyurkskix yazыkov.* Nauka.
20. Nadjip ., E. N. (1975). *Tyurkoyazichniy pamyatnik XIV veka «Gulistan» Seyfa Sarai i ego yazik.* Alma-Ata: Nauka.
21. Özkuyumcu , N. (2002). Tolunoğulları// Türkler. -Ankara: Yenġ türkġye yayinlari, 2002. – s.15-38.: Yenġ türkġye yayinlari – s.15-38.
22. (المجلد 16). Qohira: Dor al-kutub M*asolik al-absor fiy mamolik al-amsor.*. (1964).Shahob ad-din al-Umariy
23. Shalabiy, A. (1990). *At-tarix al-islomiy.* al-Qohira: maktaba nahda al-misriyya(in arabic).
24. Tizengauzen, V. G. (1884). *Sbornik materialov otnosyashixsya k Zolotoy Orde.* S-P.
25. Uvatov , U. (1974). *"Ibn Arabshoh va uning Amir Temur tarixida taqdir ajoyibotlari asari (Ajoib ul-madur fi tarixi Temur)". Tarix fan. nom. ...diss.* . Toshkent.
26. Toxtiev Mr, S. (2020). Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries. *The Light of Islam*, *2020*(2), 82-90. https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1171&context=iiau
27. Xasanov, A. A. (1975). *Sosialno-politicheskiy stroy mamlyukskogo Yegipta, pri cherkesskix sultanax(1382-1517): avtoref... diss. na soisk. kand. ist. nauk.* Moskva.
28. Xodjaeva, R. (2013). *Mamluklar davri arab adabiyoti (XIII-XV asrlar).* Toshkent.
29. Xotko , S. X. (1993). *Cherkesskie mamlyuki.* Maykop,.
30. Zayonchkovskiy , A. (1961). Arabsko-kipchakskiy slovar epoxi mamlyukov . *Soobsheniya polskix orientalistov*(2), 37-38.
31. Aristov, N. A. (1896). Zametki ob etnicheskom sostave tyurkskix plemyon i narodnostey i svedeniya ob ix chislennosti. *Jivaya starina. № III-IV.*, 277-456.